

Германияда Ислом динига ихтисослашган коллеж очилди



19:00 / 30.06.2021 1315

Жорий йилнинг июнь ойида Германиянинг Оснабрук шаҳрида биринчи бор имомларни тайёрлаш маркази очилди. У давлат томонидан молиялаштирилади.

«Биз бу кун Германияда диний раҳбарларни тайёрлашда бурилиш даври бўлишини истаймиз», дейди Германиянинг биринчи Ислом коллежи директори Булент Учар расмий очилиш маросимида. Коллежда имомлар ҳамда Германиядаги масжидларга ва диний жамоалар учун мутахассислар тайёрланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра бундай таълим муассасасига эҳтиёж узоқ вақтдан бери мавжуд.

«Конрад Аденауер» жамғармаси Германия масжидларидаги имомларнинг 80-90 фоизини чет элдан келган деб ҳисобламоқда. Уларнинг аксарияти немис тилида кам гаплашади ёки умуман тилни билишмайди. Islam.ru маълумотларига кўра, Ислом коллежида дарслар немис тилида олиб борилади. Биринчи курсда 50 дан ортиқ талаба таҳсил олади, уларнинг 20 фоизга яқини аёллардир.

Коллеж директорининг сўзларига кўра, коллежни ўқув дастурини қўллаб-қувватловчи бешта мусулмон уюшмаси, масжидлар ва диншунослар жамоалари, Германия ва Қуйи Саксония мусулмонлари Марказий Кенгаши

вакили бўлган комиссия белгилайди.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи